Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 30 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 39 (7036)

**Da'vat**

**Бугунги олиб бораётган ишларимизда ҳали дунёга келмаган авлодларнинг ҳам истак ва умидлари бор.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Ibrat**

Намангандаги узбек-турк лицейи 9-синф ўқувчиси Дамир Шамсиддиновнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган иши энг яхши деб топилди. Бу иқтидорли ўқувчи ҳозир Туркияга боришга тайёргарлик кўрмоқда. У июнь ойининг бошларида Истанбулда бўладиган халқаро экологик олимпиадада иштирок этади.

Dolzarb mavzu

## ДАСТУРЛАР ТАЖРИБА МАЙДОНЛАРИДА СИНАЛАДИ

Ҳозирги кунда халқ таълими ходимлари олдига Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларини ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш ва уларнинг юксак илмий-методик савияга эга бўлишини таъминлаш, таълим мазмунини янгилаш ва ривожлантириш каби қатор долзарб вазифалар қўйилган. Шулардан бири барча фанлар бўйича умумий ўрта таълим (1-9-синфлар) учун янги талаблар асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқишдир.

Хўш, бу борадаги ишлар қай тарзда кетаяпти? Жараёнда илмий асосланган таклифларга кенг ўрин бериляптими? Фанларни бир-бирига яқинлаштириш бўйича йўналишлар белгилаб олинганми? Муаллифлар гуруҳини рағбатлантириш тартиби қандай бўлади? Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти мажлислар залида ўтказилган дастурлар яратиш ва синовдан ўтказиш Давлат комиссияси ҳамда ишчи гуруҳлари қўшма йиғилишида ана шу каби масалалар хусусида сўз борди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Шунингдек, вазир муаллифлар гуруҳи ўз вазифаларини нечоғлик тушуниб олганликлари билан қизикди.

Сирасини айтганда, муаллифлар гуруҳига таниқли олимлар, Таълим маркази, Илмий тадқиқот институтлари, Олий ўқув юртлари ва мактабларнинг етук мутахассислари, илғор ўқитувчилар, методистлар жалб этилган. Аммо иш жараёнида тўқнаш фикрлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шундай ҳолларда масалани баҳамжиҳатликда ечиш, янгиликларга кенг ўрин бериш, муқобил фикрларга таҳлилий ёндашиш зарур бўлади. Шу аснода муаллифлар олдиларидаги вазифа масъулиятини чуқур ҳис этишлари лозим. Негаки, таълим жараёни тубдан ўзгараяпти, моҳиятан янгича тизим яратилмоқда...

Йиғилишда Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Ғуландон Алимова ҳам масъулият ва талаб, режа ва дастур ҳамда фанларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида батафсил гапириб, амалдаги дастурларни яратиш, тайёрланаётган ўқув дастурлари синов майдончаларини турли вилоятларда ташкил этиш вазифалари кўламига атрофлича тўхталди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов ва ЎзПФИТИ директори муовини Даврон Шодиевлар дастур ва таълим мониторинги, стандарт ва моҳият тушунчалари ҳамда келажакда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида сўз юритдилар.

Ишчанлик кайфиятида ўтган йиғилишда муқобил муаллифлар гуруҳини тузиш, янги дастурлар ҳақидаги маълумотларни умумлаштирувчи марказ ташкил қилиш сингари таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди. Шунингдек, ишчи гуруҳи аъзолари вазифаларига янада аниқликлар киритилди. Хуллас, 1998-1999 ўқув йили мобайнида барча фанлар бўйича янги дастурларни турли вилоятлардаги тажриба майдончаларида синовдан ўтказиш ва мукаммаллаштириш мўлжалланаяпти.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти Шавкат Курбонов қатнашди ва сўзга чиқди.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## УЛАР БИЛАН ГЎЗАЛДИР ДУНЁ

*Сиз дунёни болаларсиз тасаввур қила оласизми? Албатта, йўқ. Чунки оламнинг маъжудлиги болалар билан, уларнинг жаранглаган кулгусию шўх-шодон қийқириқлари билан боғлиқ.*

*1 июнь бутун Ер юзида болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида 49 йилдан бери нишонланади.*

*Хўш, мамлакатимизда Болалик қай даражада ҳимояга олинган? Улар учун қандай имтиёзлар яратилган? Бу хусусдаги маълумотларни умумлаштириб беришларини сўраб, Республика Халқ таълими вазирлиги мактаб-интернатлар ва меҳрибонлик уйлари бўлими бошлиғи Зиёвуддин Жалолиддиновга мурожаат қилдик.*

— Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бирбирини мазмунан бойитувчи қарор ҳамда фармойишларда Болалик бахтини ҳар жиҳатдан ардоқлашга эътибор берилаётир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 20 августдаги 409-сонли қарорини эслаб ўтиш жоиздир. Бунга кўра, илк бор мактаб остонасига қадам қўйган 1-синф ўқувчиларига 12 турдаги ўқув қуроллари текин берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 январдаги чиқарган қарори ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганини таъкидлаб ўтмоқчиман. «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослашган мактаблар ва махсус мактаб-интернат ўқувчилари дарсликлар билан текин таъминланадилар.

Болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни давлат муҳофазасига олиш ҳақида сўз кетар экан, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари алоҳида ғамхўрлик қуршовида эканлиги барчамизга аён. Биргина 1997 йилда давлат сармояси ва жойларда ишлаб чиқариш корхоналари, ҳомий ташкилотлар томонидан меҳрибонлик уйларининг тарбиялаган

(Давоми 3-бетда)

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ ижроия кенгаши котиби Борис Березовскийни қабул қилиб, Ҳамдўстлик органлари фаолиятини такомиллаштириш, МДҲ доирасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Қонуни — Оила кодекси матбуотда эълон қилинди.**

**• «Ўзбекистон Республикаси паспорт режимини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.**

**• Август ойининг учинчи якшанбасида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқ байрамига тайёргарлик жараёнининг қандай кетаётганлиги ушбу байрамни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлисида муҳокама этилди.**

**JUMLADA JAHON**

**• АҚШ, Италия, Туркия ва Жанубий-шарқий Европанинг яна олти давлати вакиллари қарорига кўра тузилажак уюшма БМТ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, НАТО ва Европа иттифоқи тасарруфида бўлиб, дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилишни ният қилмоқда.**

**• Америка яҳудийлари Конгресси АҚШ Президенти Билл Клинтонни Кубага нисбатан қўлланилиб келинаётган иқтисодий жазони бекор қилишга даъват этмоқда.**

**• Айрим оммавий ахборот воситаларида Анқара ядро қуроли ишлаб чиқармоқда, деган хабар тарқалгач, Туркия ташқи ишлар вазирлиги баёнот бериб, Анқара ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги умумжаҳон Шартномасига қўшилганлигини, бу хабар нотўғри эканлигини таъкидлаган.**

## МУНОСИБ МУНОСАБАТ ЗАРУР

Республикамизнинг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлигига ҳадемай ўн йил тўлади. Бу ўтган давр ушбу Қонун ижроси борасида қилинган ишларни жиддий сарҳисоб қилиш, қолаверса, унда белгиланган ишларнинг асосий қисмини бажариб қўйиш учун етарли муддат.

Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияларининг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган қўшма мажлисида ҳам айнан шундай ҳисоботлар тингланди, фикрлашилди ва таклифлар киритилди. Уни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Алишер Азизхўжаев олиб борди.

Мажлис кун тартибидаги ушбу комиссиянинг авваги йиғилишларда белгилаб олинган ишларининг бажарилиши, Навоий вилояти ва Меҳнат вазирлигида мазкур Қонун ижроси борасида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги масалалар юзасидан ҳисоботлар тингланди. Вазирлар Маҳкамаси «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг котиби Ш. Ризаев, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов, Навоий вилояти ҳокими ўринбосари А. Ҳайдаров, меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари А. Акбаров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари Ҳ. Бектемировлар сўзга чиқишди.

Муҳокамада айтилган гапларда шулар маълум бўлдики, ўтган даврга нисбатан қилинган ишлар салмоғи оз. Жойлардаги айрим раҳбарларнинг ушбу Қонунга нисбатан аҳамиятсиз қарашлари, унинг ижросини таъминлашга мунтазам эътибор бермаётганлиги жараённи сустлаштирмоқда. Маънавиятимизнинг, миллий қадриятимизнинг ёркин кўзгуси бўлган она тилимизнинг қадрига, аввало, ўзимиз етишимиз керак, уни қанчалик қадрлаётганлигимиз эса амалда унга қандай муносабатда бўлаётганлигимиз билан ўлчанади.

Йиғилишда жой номлари хусусида кўпгина таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Асосийси, янги қўйилаётган номларга бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашиш, уларда мустақил мамлакатимиз келажаги учун хизмат қилган ўтмишимиз ўз аксини топишига эришиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Комиссиялар қўшма мажлиси ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

**А. РАҲИМОВ**

Bolangiz maktabga tayyormi?

## САВОЛ ЗАМИРИДАГИ ҚИЗИҚИШ

Кичик ёшдаги болаларда дунёқараш туйғусини пайдо қилиш, шакллантиришда оила етакчи омилдир. Чунки бола дастлабки таълим-тарбияни оилада олади. Яхши сабоқларини, беғуборликни, одамларга яхшилик қилишдек олижаноб фазилатларни қўрқмас, иродали, сахий бўлишдек хислатларни бола ота-онадан, оиланинг катта ёшдаги аъзоларидан ўрганади.

Хўш, болада дунёқарашни шакллантиришнинг йўл-йўриқлари қандай? Маълумки, дунёқараш табиат ва жамият ҳодисалари тўғрисида кишининг шаклланган қарашларидан иборат. Бу қарашлар ўзига хос мураккабликка эгаки, шундан келиб чиқиб дунёқарашни болалар онгига сингдириш мумкинми, деган савол туғилиши табиий.

Ёш бола нарса, воқеаларга жуда қизиқувчан бўлади, уларнинг сабаб ва натижаларини англаб олиш учун тез-тез саволлар бериши табиий. Ҳатто уч-тўрт ёшли бола ҳам: «Нега қоронғи бўлади?», «Юлдузлар нечта?» каби кўплаб саволларга жавоб олишни истайди. Бола қанчалик серсавол бўлса, бу унинг тафаккури шунча фаол шаклланаётганидан далолат беради. Болага сирли туюлган олам ҳақида қисқа, лекин қизиқарли жавоб берсак, унинг дунёқараши кенгайиб боришига кўмаклашган бўламиз. Ўз навбатида болага ҳам саволлар бериб бориш, унинг жавобини маъқуллаш, тўлдириш орқали уларда қизиқувчанлик, кузатувчанлик каби сифатларга кўниктириш орқали болаларда самимийлик, биродарлик ҳиссини, жамоанинг енгилмас куч экани тўғрисида муайян хулосаларни пайдо қилиш мумкин.

Болалар дунёқарашини таркиб топтиришда санъатнинг, биринчи навбатда, адабиётнинг таъсири каттадир. Воқеликни акс эттирувчи диафильм ва кинофильмлардаги лавҳалар, улардаги қаҳрамонлар болаларни воқеа-ҳодисалар дунёсига етаклайди. Бола ўзини гўё улар билан бирга югураётгандек, баланд тоғларга тирмашиб чиқишаётгандек, ёвуз кучларни енгаётгандек ҳис этади. Бундай томошалар болада жасурлик, мардлик, ирода ва тоқатнинг зарур малакалар ҳосил қилиш фойдадан холи эмас.

Масалан, тўрт-беш ёшли болалар табиатда йил фаслларининг ўзгариб туриши, бу ўзгаришлар йил сайин такрорланиши, ҳар фаслнинг ўзига хос аломатлари борлигини, турли фаслларда кишилар меҳнатининг турлича бўлишини, ҳаракатнинг ўзгариши, бу ўзгаришлар ҳар бир ойнинг қуёшга нисбатан тутган ўрнидан келиб чиқиши ҳақидаги билимларни қабул қила оладилар.

Бола дунёқарашини шакллантиришда, албатта, одоб-ахлоқ қоидалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Катталарга салом бериш, уларни ҳурмат қилиш, ишларига ёрдамлашиш бурч эканлигини уқтириш, шафқатли бўлиш, ўзидан кичикларни эъзозлаш каби сифатларга кўниктириш орқали болаларда самимийлик, биродарлик ҳиссини, жамоанинг енгилмас куч экани тўғрисида муайян хулосаларни пайдо қилиш мумкин.

Болалар дунёқарашини таркиб топтиришда санъатнинг, биринчи навбатда, адабиётнинг таъсири каттадир. Воқеликни акс эттирувчи диафильм ва кинофильмлардаги лавҳалар, улардаги қаҳрамонлар болаларни воқеа-ҳодисалар дунёсига етаклайди. Бола ўзини гўё улар билан бирга югураётгандек, баланд тоғларга тирмашиб чиқишаётгандек, ёвуз кучларни енгаётгандек ҳис этади. Бундай томошалар болада жасурлик, мардлик, ирода ва тоқатнинг

(Давоми 3-бетда)

Munosabat

## ФАЛОКАТГА БОШЛОВЧИ ПОЙГА

Маълумки, шу йил 11—13 май кунлари Ҳиндистоннинг Покҳран полигонида 5 та ер ости ядро синови амалга оширилган ва бу ҳодиса бутун дунё ҳамжамиятининг кескин норозилигига сабаб бўлган эди. Таассуфки, Ҳиндистоннинг ЮНИ ахборот агентлиги хабарига кўра, кейинги бир неча кун давомида Покистон жамоатчилигининг барча қатламлари ўз ҳукуматидан, Ҳиндистон ўтказган бу туркум ядро портлатишларига жавобан ядро синовларини ўтказишни қатъий талаб қилган.

Деҳлидан «Новости» Россия ахборот агентлигининг мухбири Игорь Александров ҳамда Ассошиэйтед Пресс агентлиги шу йилнинг 28 майида тарқатган ахборотларда айтилишича, ўша куни маҳаллий вақт билан соат 14.30 да Покистон ядро синовини ўтказган. Покистон манбаларидан олинган маълумотларда мазкур ракеталар Ҳиндистоннинг бутун ҳудудини амалда қамраб олишга лаёқатли эканлиги таъкидланади.

«Новости» Россия ахборот агентлигининг сўнгги хабарига кўра, Покистон Бош вазири Навоз Шариф: «Биз Ҳиндистон қанча портлатган бўлса, шунча, яъни бешта ядро қурилмасини синов тариқасида портлатдик» деб баёнот берган. Бу синовлар, дейди Бош вазир, мамлакат хавфсизлиги манфаатларига асосланиб ўтказилди. «Уларни биз бундан 20 йил олдин синаб кўришимиз мумкин эди, бироқ, бундан бизни соғлом ақл-идрок ҳамиша тийиб келди» дея ўз баёнотини якунлаган Навоз Шариф. Шунингдек, Покистон Бош вазири БМТ ва бошқа етакчи давлатлар «Ҳиндистонга қарши қатъий чоралар кўрмаганлиги сабабли Покистон бундай қадамни ташлашга мажбур бўлган»лигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Шу ўринда хулоса қилиб айтиш лозимки, бир мамлакатнинг тутган салбий йўли, албатта, бошқа давлатларга ҳам салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Зеро, Ҳиндистонда, сўнгра бунга жавобан Покистонда бўлиб ўтган ядро портлатишлари ҳам бунга ёркин мисолдир. Бу воқеалар дунёнинг барча давлатларини қуролланишнинг янги пойгаси бошланиб кетмаслиги учун биргаликда ва тезликда ҳаракат қилишга даъват этмоқда.

**«Маърифат» шарҳловчиси**

**MMM — XABARLARI**

### «SHODLIK»DAN HAMMA SHOD BO'LDI

**Xiva tumani Al-Xorazmiy jamoa xo'jaligidagi 10-son «Shodlik» bolalar bog'chasida «Gullar va harflar gulshani» nomli kecha o'tkazildi. Unda tumandagi 52-bog'chaning mudiri va tarbiyachilari, ota-onalar ishtirok etishdi. Bog'cha mudirasi A. Yusupova, tarbiyachilar X. Mayliyeva, S. Ro'zmetova va musiqa muallimi U. Bekjonovalar tayyorlagan 24 nafar jajji o'g'il-qizchalar o'zlarining topqirligi bilan ota-onalarini xursand qilishdi. Keyinqi yil ular litsey sinflarda ta'lim olishadi.**

**N. OCHILOV**

### QIZIQARLI MULOQOT

**Shayxontohur tumanidagi 84-maktabda yuqori sinf o'quvchilari bilan oila yiliqa bag'islangan «Narkomaniya, alkogolizm, taksikomaniyaga qarshi kurash» mavzusida davra suhbati o'tkazildi. Uchrashuvda IIB katta noziri, militsiya mayyori H. Ortiqov, shahar prokuraturasining bo'lim prokurori B. Isayev, shahar norkologiya dispanserining tabibi Z. Otayevlar qatnashdilar. Muloqot o'quvchilar bilan qiziqarli savol-javoblar tarzida davom etdi.**

**G. MUHAMEDOVA**

### BAXTLI QIZLAR

**Navoiy Davlat konchilik instituti huzuridagi ixtisoslashgan texnika kolleji talabalari Oila yiliga bag'ishlab «Baxtli qizlar» ko'rik-tanlovini o'tkazishdi. Ishtirokchilar oila muammolarini sahna ko'rinishida namoyish etishdi. Ko'rikda kollejning besh nafar birinchi va ikkinchi kurs talaba qizlari ishtirok etib, birinchi o'rinni A. Kenjayeva, ikkinchi o'rinni N. Rahmonova, uchinchi o'rinni esa L. Ochilovalar egallashdi. Tanlov tashkilotchisi «Kamolot» jamg'armasi viloyat bo'limi va kollej ma'muriyati ishtirokchilarga esdalik sovg'alarini topshirdi.**

**A. MIRZIYOYEV**

**MMM — XABARLARI**

Mulohaza

# ЯНГИ АСР АРАФАСИДА

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг янги аср бўсағасида қабул қилинишида чуқур маъно бор.

Академик-лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг ташкил этилиши маорифимиз олдига ниҳоятда жиддий, масъулиятли масалалар қўяди. Лицейларнинг йўналишларини аниқлаш, уларга мос давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари, режалари, янги дарсликлар, қўлланмалар яратиш, хуллас, вазифалар жуда масъулиятли.

Бундай лицейлар, коллежлар маорифимиз учун янгилик. Фикримизча, академик лицейларнинг физика-математика, иқтисодиёт, химия-биология, ижтимоий фанлар, филология йўналишларида бўлиши мақбул кўринади. Ҳар бир лицейда бир нечта фанлар чуқур ўқитилиши мумкин. Масалан, ижтимоий фанлар лицейида тарих, ҳуқуқ, ўзбек тили ва адабиёти, чет тили чуқур ўқитилса, мақсадга мувофиқдир. Бу, албатта, мазкур ўқув юртлари қайси олий ўқув юртлари қошида ташкил этилганлигига ҳам боғлиқ. Академик лицейлар учун битта фан бўйича ёзилажак дарсликлар ҳам, ўқув қўлланмалари ҳам лицейларнинг йўналишига мувофиқ равишда бир нечта бўлиши керак.

Академик-лицейларга ўқувчилар қабулини тест усулида уюштириш айни муддао.

Академик-лицей талабаси ихтисослик фанлари бўйича «яхши» ва «аъло» баҳоларда ўқиши лозим, албатта. Академик-лицейни тугатган йигит-қиз замонавий компьютерлар билан «тиллаша оладиган», хорижий тилда эркин гаплаша оладиган, маданий савияси юқори бўлсин. У — робот эмас, фикрловчи шахс бўлмоғи даркор. Бу талаблар академик-лицей Низомида акс этса, фойдали бўлур эди. Академик лицейларда талабалар 3 йил ўқиш давомида илмий-методик ишларга жалб қилиниши, китоб-журналлар билан ва ўз устида ишлашга ўргатилиши лозим. Лицей ўқувчиларининг илмий жамиятини тузиш, жамиятнинг турли анжуманларини ўтказиш, талабалар тайёрлаган рефератлар, лаборатория ишлари, улар яратган асбоб-мосламалар конкурсларини ўтказиш, курс ишларини ёзиш — буларнинг ҳаммаси болаларни ёшликдан илм билан шуғулланишга ўргатади, улардаги иқтидорни сайқал топтиради, фанга қизиқиш уйғотади. Бу ишларда академик лицей ўқувчилари, муаллимларига лицейни ташкил этган олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари яқиндан ёрдам кўрсатади, албатта. Лицей эндиликда олий ўқув юрти лабораторияларидан, кутубхонаси, компьютерларидан унумлироқ фойдалана олади. Фикримизча, ўқув қўлланмалари, дарсликлар ёзишда муаллифлар гуруҳи мутахассис олим, тажрибали педагог (психолог) ва лицей ўқитувчисидан иборат бўлса, яхши натижага эришилади.

Академик-лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ташкил этилиши муносабати билан мавжуд дарсликлар қайтадан ишланади, албатта.

Академик-лицейларда ишлаш шарафига муяссар бўлган ҳамкасбларимиз қайта тайёргарликдан ўтишлари, ўз малакаларини оширишлари лозим. Бинобарин янги аср авлодини тарбиялаш биздан масъулият талаб қилади.

**МИРЗААҲМЕДОВА Жамила ҚОДИР қизи,**
**Тошкент шаҳридаги 46-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари талабаларининг педагогика ва психология фанлари бўйича Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида республика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Педагогика ва психологиядан бўлган бу йилги олимпиаданинг фарқли жиҳатлари кўп бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли барча университетлар, институтларидан вакиллар қатнашди.

Йиғилишни университет ректори, профессор Б.Қодиров очиб, олимпиада иштирокчиларини табриклади. Жюри раиси, профессор М.Давлетшин бу йилги ҳар иккала фандан ҳам, яъни педагогика-психология фанидан ўтказиладиган олимпиада шартлари билан таништирди.

Шундан сўнг командаларнинг ўзларини таништириш ҳамда бир-бирларини қутлаш тантанаси бўлиб ўтди.

Психология фанидан республикамизнинг олий ўқув юртларидан 17 та команда иштирок этди. Шундан 9 та университет, 4 та педагогика институтлари, 5 та техника ва бошқа соҳадаги олий ўқув юртлари командалари иштирок этишиб, ўтказилган мусобақада Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети командаси 51 балл тўплаб 1 ўринни. Фарғона Давлат университети командаси 50 балл тўплаб II ўринни, Урганч Давлат университетининг командаси 48 балл тўплаб III ўринни эгаллаб, ғолиб деб топилдилар.

Педагогика фанидан республикамизнинг 16 та олий ўқув юртидан 16 та команда иштирок этди. Шундан 9 та университет, 5 та педагогика институти, 2 та техник ва бошқа олий ўқув юртлари бўлиб, 48 талабадан иборат бўлди.

Командалар ўртасида ўтказилган мусобақада 1 даражали диплом билан 46 балл тўплаган Навоий педагогика институтининг командаси тақдирланди. II даражали диплом билан Урганч Давлат университетининг командаси, III даражали диплом билан Самарқанд Давлат университети командаси тақдирланди.

Шунингдек, психология фанидан олимпиадада фаол қатнашиб, 4, 5, 6-ўринларни олган командалардан Бухоро Давлат университети, Термиз Давлат университети, Тошкент Давлат университети, Навоий Давлат педагогика институти, Жиззах Давлат педагогика институти, Қўқон, Ангрен педагогика институтлари командалари психология фанидан билим савиялари юқори эканлигини кўрсатдилар.

Педагогика фанидан Гулистон, Термиз, Бухоро, Қарши Давлат университетлари, Бухоро техника институти, Тошкент автомобиль йўллар институти, Жиззах, Қўқон, Ангрен, Нукус Давлат педагогика институтларининг командалари ўзларининг педагогика фанидан билим савияларининг юқори эканлигини кўрсатдилар.

Ҳар иккала фандан — педагогика, психология фанларидан олимпиадани юқори савияда ўтказишга хизмат қилган профессор-ўқитувчилардан М.Давлетшин, У.Умаров, Ш.Дўстмуҳамедова, З.Нишонова, Ф.Алимова, С.Тўйчиева, К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Иномова, А.Агоронян, Д.Жўрабоева, С.Бичуриной, С.Мадиёровалардан талабалар чексиз миннатдор бўлишди.

Педагогика-психология олимпиадаси низомига мувофиқ, олимпиадада фахрли 1, 2, 3-ўринларни олган командалар ва уларнинг аъзоларига, раҳбарлари ҳамда шахсий 1-ўринни олган талабалари олийгоҳ ректорати томонидан муносиб тақдирландилар.

**Ё.АЛИМҚУЛОВ,**
**Олимпиада ҳакамлар ҳайъати аъзоси**

## ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

***Россия Президенти Борис Ельцин бугун эрталаб бош вазир Кириенко ҳамда Молия вазирлиги ва Марказий банк раҳбарлари Задорнов ва Дубинин билан ўтказган учрашувларидан сўнг Марказий банк ва Молия вазирлиги валюта бозорларидаги вазиятни сақлаб қолиш учун етарлича резервларга эга эканлигини эълон қилди.***

* * *

***Америка Қўшма Штатлари давлат департаменти Тожикистондаги вазият ёмонлашиб бораётганлиги муносабати билан ташвишланиш изҳор қилди.***

**Прага, «Озодлик» радиостанцияси**

* * *

***Покистон Ҳиндистоннинг икки ҳафта бурун ўтказган ер ости синовларига жавобан беш ядровий синов ўтказганлигини эълон қилди. Покистон бош вазири Навоз Шарифнинг айтишича, Покистон, унинг сўзлари билан айтганда, ҳинд тажовузи олдида ўз хавфсизлигини мудофаа қилиш учун синовлар ўтказишга зўрланган.***

**Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати**

## ДЎСТЛАШГАН МАКТАБЛАР

***Пискент туманидаги 15-мактаб маъмурияти аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш учун «Ўлка бўйлаб саёҳат» тадбирий режасини ишлаб чиққан эди. Бу тадбирга асосланиб, мактабимиз вакиллари 1997 йил март ойида Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги 27-мактабга ўзаро тажриба алмашиш учун бориб катта таассуротлар билан қайтгандилар. Яқинда эса, Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги 25-мактабга бориб дўстлик алоқаларини ўрнатиб қайтдик. Бу ташаббус икки мактаб ўртасида жуда катта қизиқиш уйғотди.***

***Бизни қишлоқ аҳли, мактаб маъмурияти, ҳамда туман халқ таълими фаоллари карнай-сурнай садоси остида нону туз билан қарши олишди. Туманда 7 та қирғиз мактаби бўлиб, шулар ичида энг ташаббускори 25-мактаб эканлиги уларнинг иш фаолиятларидан сезилиб турибди. Қизғин давра суҳбатларидан сўнг, иккала мактаб ўзининг дастурларини намойиш қилдилар. Учрашув давомида Бахмал тумани ҳокими М. Анорбоев ташриф буюриб, «Мустақил Ўзбекистон таянчи бўлмиш сиз ёшларнинг ўқиш ва ишларингизга, олдингизда турган энг масъулиятли дам — битириш имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, олий ўқув юртларига кириб кетишингизга тилакдошман», дея дил сўзларини изҳор этди.***

***Шундан сўнг икки мактаб ўртасида тадбирий шартнома имзоланди.***

***Даврада Бахмал тумани халқ таълими бўлими бошлиғи С. Мирзабеков ўзининг дил сўзларини баён қилди.***

***Биз 25-мактаб жамоаси билан хайрлашар эканмиз, тез фурсатда иноқлашиб, бир оила фарзандларидай бўлиб қолганлигимизни англадик.***

**Гулсара РАҲМАТОВА,**
**Пискент тумани 15-мактаб тил ва адабиёти ўқитувчиси**

*Ўзбек кинематографияси тамал тошини қўйган, истеъдодли кинорежиссёрлардан бири Наби Ғаниев исми шарифини эшитмаган кино ишқибозлари юртимизда бўлмаса керак. Ана шу ажойиб инсон номи билан аталадиган Тошкент шаҳридаги кино техникумини-чи? Ўйлаймизки, ҳозирча Марказий Осиёда ягона бўлган бу техникум номини эшитмаганлар ҳам кам топилади.*

*Мазкур ўқув юрти ўз фаолиятини 1959 йилдан бошлаган бўлиб, бугунги кунгача юзлаб малакали мутахассисларни тайёр-*



# МИНТАҚАДА ЯГОНА ДАРГОҲ

*лаб чиқарди. Айни пайтда техникумда жами 600 нафар талаба таҳсил олмоқда. Ўқишлар сиртқи ва кундузги бўлимларда ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. 53 нафар ўқитувчи ходимлар жамоаси талабаларни мутахассислик сирларидан имкон қадар чуқурроқ хабардор бўлишлари учун чин дилдан меҳнат қилишмоқда.*

*Техникумда асосан 5 та йўналиш: кино асбобускуналари ва видеотехника ишлатиш, томошага оид тадбирларни овоз техникаси билан таъминлаш, рўзғор радиоэлектрон техникасига хизмат кўрсатиш ва созлаш, иқтисодиёт, ҳисобчилик қабилар бўйича мутахассислар тайёрланади.*

*Техникумда бўлганимизда бу ердаги орасталик, замон талабларига мос равишда безатилган турли кўргазмали бурчаклар, лавҳалар диққатимни ўзига тортди. Айниқса, ўқув юртида ташкил этилган янги моделдаги замонавий компьютерлар тўпламлари ўрнатилган иккита машғулотлар хонасида талабалар компьютер саводхонлигидан сабоқ олаётганларини кўриб, тўғриси, хурсанд бўлдик.*

*— Талабалар ўртасида тез-тез турли мусобақалар ва учрашув кечалари ўтказиб турамиз, — дейди техникумнинг маърифат ва маънавият бўйича директор ўринбосари Султонмурод Жуманов.*

*Ўқув юртида вилоятлардан келиб ўқиётган талабалар учун барча қулайликларга эга бўлган 250 ўринли шинам ётоқхона бор. Техникумни тугатган ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланиши қандай кечади, деган саволимизга ўқув юрти раҳбари Ҳожимурод Ҳожиев шундай жавоб берди:*

*— Дарҳақиқат, ўқув юртини муваффақият билан тамомлаган ёш мутахассислар ҳеч маҳал ишсиз қолмайди. Сабаби, техникумимиз Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компаниялари билан тузган шартномаларига мувофиқ равишда, ёшлар мазкур компанияларда ўз мутахассисликлари бўйича тўлиқ иш билан таъминланадилар.*

**Н. АСЛОН**
**Сурат муаллифи: М. АРИНОВ**

## ПЕДАГОГЛАР САФИГА

Янги ўқув йилидан 756 нафар ёш педагог Бухоро вилояти таълим муассасаларида меҳнат фаолиятларини бошлайди. Уларнинг 276 нафари Бухоро педагогика билим юрти, 480 нафари эса БДУ битирувчиларидир. Ёш педагоглар билан ишлаш дастурига мувофиқ мазкур илм даргоҳларида бўлиб ўтган битирувчилар тақсимоти шундай якунга олиб келди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳали вилоятда педагог кадрларга бўлган эҳтиёж жуда катта. География, тарих, ўзбек тили, хорижий тиллар, математика, бошланғич таълим, кимё фанлари бўйича мутахассислар етишмайди. Айниқса, Бухоро, Когон шаҳарларида, Жондор, Пешку, Ромитан туманларининг марказдан олис чўл ҳудудларидаги мактабларида олий маълумотли ўқитувчилар танқис.

Шу боис мазкур шаҳар, туман ХТБдаги масъул ходимлар ўзларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олиб, мактабдан бошлаб касбга йўналтириш ишларини янада жонлантирсалар айни муддао бўларди.

**Ж. ИСМОИЛОВ**

## ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШ АСОСИДА

Яқинда Фарғона вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг Қўқон бўлими очилган эди. Натижада Қўқон шаҳри атрофидаги туманлар ўқитувчиларининг узоғи яқин, оғири енгил бўлди. Бўлимдагилар илк кунларданоқ фаолиятни кенг миқёсда бошлаб юбордилар. Курс тингловчилари режа асосида мактабларга дарсларни кузатгани чиқишяпти.

Меҳмон муаллимлардан бир гуруҳи яқинда Данғара туманидаги 12-мактабга ташриф буюришди. Улар бунда фан хоналари, ўқув-тарбиявий ишларнинг ташкил этилиши, она тили, адабиёт, тарбиявий режадаги ишларга оид машғулотларни кузатдилар. Тингловчилар, муҳими, мактабда ўқувчиларни янги принцип асосида ўқишга ўргатилаётганининг гувоҳи бўлдилар.

**Аваз ҲАЙДАРОВ**

Yangi alifboni o'rganamiz

# Familiya hosil qiluvchi qo'shimchalar imlosi

Familiyalar odatda -ev (-eva), -yev (-yeva) hamda -ov (-ova) qo'shimchalari bilan hosil bo'ladi.

| -ev (-eva), -yev (-yeva) ning qo'llanish o'rinlari | -ov (-ova)ning qo'llanish o'rinlari |
|---|---|
| 1. So'z asosi **sh, ch,** y tovush harflari bilan tugallansa: Tosh-Toshev, Ergash- Ergasheva; Yovqochev, Qilicheva; Mirhidoyev, Husanboyeva. 2. So'z asosi unli bilan tugallansa; Jo'rayev, Otayeva; G'aniyev, Soliyeva, Someyev, Vafoyev, Orzuyev, | So'z asosi sh, ch, y hamda unlilardan boshqa tovush-harflar bilan tuqallansa: Turobova, Tolibov, Abdusamadov, Latifova, Solihova, Xalilov, Alimova, Olimov, Nuriddinova, Toyloqov, Abrorova, G'iyosov, Maratova, Uaylovov, Azizova, Ulug'ov. |

**Eslatma:**

O'zbek tilida asosan san'at ahli ichida familiya hosil qilishda — iy qo'shimchasi yoki ota ismidan so'ng o'q'li, qizi so'zlaridan foydalanish hollari ham uchrab turadi, chunonchi: Hakim Sattoriy, Dadaxon Nuriy, G'afforiy, Tursunoy Sobir qizi.

**э, е** ҳарфлари имлоси.
Кирилл алифбосида

э унли товуши ёзувда икки хил ҳарф билан берилади:

1. Сўз бошида, баъзан бўғин бошида э ҳарфи билан —
экин, экран;
аэропорт, дуэт.
2. Икки ундош ўртасида е ҳарфи билан — деҳқон, беҳ-беҳламоқ, телефон.

е ҳарфи икки хил нутқ товушини, яъни й+э ни ифодалайди:

1. Сўз бошида: елка, етмиш.
2. Унли товушлардан кейин: аллақаерда, Ғаниев, Сомеев, Сафоев, Орзуев.
3. Айириш ва айириш белгиси вазифасида қўлланган юмшатиш белгисидан кейин келганда: разъезд, адъютант; фельетон, ателье.

Янги ўзбек алифбосида

Yuqoridagi ikki holda ham e harfi yoziladi: экин — ekin, экран — ekran, аэропорт — aeroport; деҳқон — dehqon, телефон — telefon.

e harfi ifodalagan ikki tovush ikki harf bilan yoziladi: елка — yelka, қаер — qayer, Ғаниев — G'aniyev, Вафоев — Vafoyev, адъютант — adyutant, фельетон — felyeton, ателье — atelye.

**Vazifa:** To'g'ri talaffuz qilish yuzasidan mashq qilib o'qing. Imlosini tushuntirib bering.

Kupe, tobe, foye, aerokassa, mute, elevator, ketmon, akademik, kollej, shofer, aeroflot, behbehlamoq, beshiktervatar.

**Yo'ldosh ABDULLAYEV,**
**pedagogika fanlari nomzodi**

Metodik tavsiyalar

# МАФКУРАМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН

**ТАҲРИРИЯТДАН: Айрим кишилар кўнглидаги бузилиш фожиа келтирди... Барчаси бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди. Намангандаги воқеалар бизни сергак торттирди...**

**Киши билмас ҳолда чет эллардан бизнинг халқимизга ёт бўлган унсурларнинг кириб келишига асло тоқат қилолмаймиз. Гап шундаки, бундай «таълимот»лар ёш авлод онгини заҳарлайди, уларни нотўғри йўлга бошлайди. Бунинг олдини олиш учун болаларнинг бўш вақтларини тўғри ва оқилона ташкил этиш, уларнинг турли диний оқимлар таъсирига берилиб кетмасликларини таъминлаш даркор.**

**Қуйида республика Таълим маркази маънавият ва қўшимча таълим бўлимининг шу мавзуга, яъни диний экстремизм ва унинг олдини олишга доир тавсияларини эълон қиламиз.**

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқида: «Мустақил Ўзбекистонга келадиган ташқи хавфдан чўчимайман, ички қўпорувчилардан қўрқаман» деб таъкидлаган эдилар. Бас, гап ички қўпорувчилик ҳақида кетар экан, ҳар биримиздан ҳушёрлик талаб қилинади. Ўқитувчи, мактаб раҳбари, ўқувчи, талаба онгида соғлом фикрни таркиб топтириш вазифаси аслида ҳар биримизга даҳлдордир.

Хўш, ўқитувчи нима қилиши керак?

Ҳар бир ўқувчи, талабага Мустақиллик даври тарихини тўғри, ёрқин далиллар асосида тушунтириб бериш ўқитувчи зиммасига юкланади. Мустақиллигимизнинг қонуний асоси сифатида Узбекистон Республикаси Конституциясини шарҳлаш чуқур маъно касб этади. Иқтисодий-сиёсий ислоҳотларни том маъноси билан ёшлар шуурига сингдиришда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш тамойилга, албатта, тўхталиб ўтиш лозим.

Жамиятимизда рўй бераётган маънавий ўзгаришларни ҳам таҳлил қилишга ҳақлимиз. Чунки инсон онгида ва руҳида бурилиш ясалгандагина, жамиятда янгланиш рўй беради. Миллий ғурурнинг шаклланиши ҳам шунга боғлиқ. Шундагина озод, обод Ватан қурилади. Шу билан бирга Узбекистонни жаҳон ҳамжамияти тан олгани биз учун фахрли эканлигига алоҳида эътиборни қаратмоғимиз керак. Бунинг замирида тинчлик, осойишталик ва ҳамжиҳатлик етганини изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Бироқ бизнинг ижобий ютуқларимизни кўра олмай талвасага тушаётган унсурлар борлигини ҳам очиқ айтиш лозим. Ана шундай хавфли гуруҳлар ҳақида ўқувчиларга батафсил ҳикоя қилиб бериш лозим.

Уз ниятига етолмаган унсурлар жамият ислоҳотларини қуруқ танқид қиладилар.

Хориждаги «сохта» диндорлар халқимиз ҳис-туйғуларини, миллий урф-одатларини йўқ қилишга, диний ақидапарастлик ғоясини тарқатиш орқали эл-юрт тинчлигини бузишга уринадилар. Улар миллат тараққиётининг ғоваридир. Сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ниятлари ягона нияти. Мустақиллик ғояси уларга бегона. Бундай нусхалар жаҳолат йўлига киргач, ота-она, қариндош-уруғ, умуман инсон ҳаётини сариқ чақага олмайдилар, ҳунрезликка юз тутадилар. Наманганлаги ваҳҳобийлик ҳаракатини жамики тафсилотлари билан ҳикоя қилиб бериш ёшларнинг бундай оқимларга нисбатан муносабатини белгилайди.

Сўнгги гуруҳ эски Шўролар даврида мансабдорлар бўлиб, коммунистик ақидапарастлардир.

«Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Узбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, уларни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак» деб таъкидлаган эдилар Президентимиз Ислом Каримов. Демак, фарзандларимизни тўғри йўлга солишимиз, уларнинг онгини тозалашимиз, миллий мафкурани қалбига жо қилишимиз, уларнинг хатти-ҳаракати, кундалик вазифаларини, бажараётган юмушларини доимо назорат қилишимиз керак. Шунда оналар наманганлик муштипар онадек (Тоҳир Йўлдошев, Жума Намангонийларнинг онаси каби) уз фарзандини «оқ» қилиб ўтирмайди, улар улимига розилик билдирмайди. «Дин ва маънавият», «Ақидапарастлик ва маънавият». «Дин ва коммунистик ақидапарастлик» каби мавзуларда турли-туман тадбирлар, учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлигини унутмайлик! Ўқувчи-ёшларга миллий мафкура нима эканлиги ҳақида тушунча бермоқ даркор. Миллий мафкурамиз қадриятлар, урф-одатлар ва умуминсоний ғоялар билан уйғунлашгандир. Бу — ўзликни англаш, миллий хусусиятларни тиклаш, ўз тилига эга бўлишдир. Буларни тушунтиришда эски усуллар иш бермай қолди. Демак, биз дадиллик, журъат ва қатъийликка амал қилиб, янги усуллар топишимиз керак.

Миллий мафкура бўлмаган жойда бўшлиқ пайдо бўлади. Бу бўшлиқ зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин: Ҳар бир синф раҳбари ҳар бир ўқувчи билан барча масала юзасидан яккама-якка шуғулланиши, уларда Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш лозим.

Мактабда, маҳаллада клуб, тўгараклар фаолиятини жонлантириш керак. Мустақил фикрлашни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш зарур.

«Билимлар учоғи» бўлган кутубхонанинг маънавий-маърифий хизматини кучайтириш давр тақозосидир.

Ота-оналарнинг бола тарбиясидаги маълумотини оширишга қаратилган турли-туман тадбирлар, суҳбатлар, савол-жавоблар кечасини ўтказиш лозим. Бу ўринда ҳар бир таълим-тарбия муассасасида «Инсон камолоти» ўқувини ташкил этиб, бу машғулотларда ўқитувчи, устозу мураббий, ота-она ва маҳаллаю масжид аҳлининг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Озод Ватанимизга юксак маънавиятли, маърифатли фуқаро керак. Буларга эришиш учун уз навбатида Ватан озодлигига, тинчлигига рахна солувчи, мустақиллик душмани бўлмиш ақидапарастликни тагтомири билан йўқотишимиз керак. Мустақиллик мафкураси заминида Ватан учун чин дилдан хизмат қилиш етади, токи юртбошимиз айтганидек, «Биздан озод ва обод Ватан қолсин».

**Республика Таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими**

# 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## БОЛАЛИК ДУНЁСИГА ТЕРАН НАЗАР

Узбекларда бола азиз, одоби ундан азиз, деган ҳикматли сўз бор. Хўш, ана шу ҳикмат замиридаги тарбияни бола кимлардан олади? Ёхуд унинг соғлом, меҳнаткаш, хушчақчақ ва ҳар томонлама хавфсиз бўлиб ўсишида фақат ота-она, боғча ё мактабгина масъулми? Агар шундай бўлса, қуни-қушничилик, маҳалладошлик ҳисси, масъулияти қайда қолади? «Узбекистон» нашриётида «Нью-Йорк Таймс»нинг энг яхши бестселлери» бош сарлавҳаси остида чоп этилган Американинг таниқли жамоат арбоби Хиллари Родэм Клинтоннинг «Бир болага етти маҳалла ота-она» («It Takes a Village») номли китоби айнан ана шу саволларга жавоб топишимизда ёрдам беради. Китоб 1996 йилда Нью-Йоркдаги Тачстоун Бук «Симон энд Шустер» нашриётида босилиб чиққан эди. Уни моҳир журналист Фахриддин Низомов ўзбек тилига ўгирган. Таржима ўзбек тилининг лексик, стилистик қоидалари, лисоний хусусиятларидан келиб чиқиб, равон ва эркин таржима қилинган.

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси президенти Татьяна Каримова Хиллари Родэм Клинтоннинг «Бир болага етти маҳалла ота-она ва болалар бизга бераётган бошқа сабоқлар» китобига сўз боши ёзар экан, унинг номланиши хусусида шундай мулоҳаза юритади: **«Ушбу китобга берилган ном, агар оилалар гуллаб-яшнаса, жамият болаларнинг равнақи учун зарур имкониятларни етарли даражада яратиб берса, болалар ҳам камол топади, деган ҳикматга асосланади».**

Америка Қўшма Штатларининг биринчи ледиси ўзи тартиб берган ушбу китобда, энг аввало, она, қоларверса, ҳуқушунослик доктори, мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Президент гуруҳининг раиси сифатида бола тарбиясида оила, жамият ва давлатнинг ўрни билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган муаммоларни таҳлил этади. Асар самимийлигининг яна бир боиси шундаки, муаллиф ўзининг болалик хотиралари, ота-оналари ўтмиши, Б. Клинтон ҳақидаги лавҳалар, қизи Челсининг болалик таассуротлари билан китобхон юрагидан тезда жой олади.

Китобнинг бир ўрнида муаллиф: **«Агар оила ҳаёти издан чиқиб кетган, ота-оналарнинг ўзи тунд ва тажанг бўлса, тарбиячилар тез-тез алмашиб турса, болалар ҳеч кимга суяна олмай қолади. Уларнинг болаликнинг дастлабки йилларидаги ишларни бажариш қобилиятига путур етади»,** — дея ҳаётий тажрибаларга асосланган фикрни илгари суради. Клинтон хоним кишиларни болаларни тушунишга ҳаракат қилишга даъват этар экан, жумладан, шундай мулоҳаза юритади: **«Агар биз болалар билан бўладиган муносабатларимизга нотўғри тушунчаларни аралаштириб юборадиган бўлсак, улар бизга тўғри гапни гапиришга ҳаракат қилаётганини илғай олмай қоламиз. Уларнинг гапларига кўпроқ қулоқ солсак, камроқ жаҳлимиз чиқадиган бўлади, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушмайди, нима қилишни билмай гаранг бўлиб ўтирмаймиз. Биз улар билан тил топишишимиз учун эса имкониятлар кўп».**

Мамлакатимизда мустақил фикрловчи шахсларнинг кўпайиши кераклиги ҳақида бонг урилаётган айни пайтда Ҳ. Клинтоннинг қуйидаги фикрларининг аҳамияти беқиёс деб ўйлаймиз: **«Агар биз фарзандларимизнинг кўп нарсани билишга қизиқувчи ва мустақил фикрловчи кишилар бўлиб етишишларини истасак, уларга тарбия бера бошлаган илк кунимизданоқ ўзимизнинг бундай хусусиятларимизни уларга кўрсата олиш даражасида оқил бўлишимиз лозим. Негаки, улар ўзларининг ноёб шахсияти ва истеъдодини яратувчан ва сермаҳсул йўл билан рўёбга чиқаришни истайдилар».**

Клинтон хоним болаларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом қилиб тарбиялаш оила ва мавзенинг бирдан-бир вазифаси деб ҳисоблайди.

Сўз боши муаллифи, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси президенти Татьяна Каримова таъкидлаганларидек, умуман, китоб бола тарбияси, бунда ота-оналар ҳамда жамиятнинг роли тўғрисидаги турли-туман масалаларни қамраб олган. Шунингдек, китобда болалардаги атроф-муҳитни ҳамда ўзини билишга интилишни қўллаб-қувватлаш; кундалик мулоқот зарурлиги; боланинг жисмоний ривожланиши ҳамда унинг саломатлигини қўллаб-қувватлаш; маънавий қадриятларни билиш, болаларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига таҳдид; турли ирқдагиларнинг бир-бирига сабр-бардоши, этник умумийлик ва ҳоказо масалалар қаламга олинган.

Аминмизки, океан орти мамлакатида олқишларга сазовор бўлган бестселлер ўзбек китобхонлари, ота-оналар, умуман кенг жамоатчиликнинг энг севимли ва қўлдан тушмас китобларидан бири бўлиб қолади.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат» газетаси ижтимоий тарбия бўлими муҳаррири**

Меҳр кўзда...

## ҚУШЧАЛАР

*Чуғур-чуғур қушчалар,*
*Чиройлисиз мунчалар.*
*Сайранг гулзорда қувноқ,*
*Бизлар сиз билан иноқ.*

*Сизга уя қурамиз,*
*Бахт уруғин берамиз.*
*Дик-дик қилиб ўйнангиз,*
*Бахт қушиғин куйлангиз.*

**Марҳабо УМИДОВА,**
**Шофиркон тумани Амир Темур номидаги 28-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси**

Ko'ngil bitiklari

## СИЗНИ КЎРГИМ КЕЛАВЕРАДИ

Ҳақ эгамга бўлсин санолар,
Оқиб кетди қанча дарёлар,
Юрагимдан келган садолар
Ҳолин сўргим келаверади,
Сизни кўргим келаверади.

Тунлар мени девор аллалар,
Қани қишлоқдаги далалар,
Бирга ўйнаб юрган болалар,
Яна юргим келаверади,
Сизни кўргим келаверади.

Китобдадир кўзларим ҳамон,
Руҳим учар Шеробод томон,
Ҳар не дарддан соғинмоқ ёмон,
Халос бўлгим келаверади,
Сизни кўргим келаверади.

Соғинчимни сўзласам бир-бир,
«Шоҳнома» ҳам қандайдир фақир,
Куйиб шеърлар ёздим. Барибир,
Қалбнинг кўри ёнаверади,
Сизни кўргим келаверади.

Сиздан ўзга тушунмас мени,
Чексиз экан кўнгилнинг эни,
Мақсадимга етдим лек энди,
Ўзга қайттим келаверади,
Сизни кўргим келаверади.

Кунлар ҳушим учди елларда,
Кўп истадим ўзга элларда,
Сизни кўрар кун ҳам келар-да,
Сизни кўргим келаверади,
Сизни кўргим келаверади.

**Анвар ЖОВЛИ ўғли,**
**Республика Нафис санъат лицейи ўқувчиси**

* * *

Дилларда қолган армонлар айтинг,
Бир бор айтилмаган достонлар айтинг,
Овозим етмаган осмонлар айтинг,
Мен кимман ўзи? — Айтинг-чи, кимман?

Дардингизга топмадим малҳам,
Тингламадим фиғонингиз ҳам,
Азобларга бўлмадим ҳамдам,
— Мен кимман ўзи? — Айтинг-чи, кимман?

Айландим гўёки ҳиссиз бир тошга,
Чора тополмадим кўздаги ёшга,
Интилмадим ёруғ қуёшга,
Мен энди кимман? — Айтинг-чи, кимман?

**Марям ҲИММАТОВА,**
**Қамаши туманидаги 24-ўрта мактабнинг Х «А» синф ўқувчиси**

## УЛАР БИЛАН ГЎЗАЛДИР ДУНЁ

(Боши 1-бетда)

нувчилари учун 100 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди.

Ҳозирги вақтда халқ таълими вазирлиги томонидан мавжуд 30 та меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 4 минг нафардан зиёд етим ва ота-онасининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш, тарбиялаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, амалдаги «Меҳрибонлик уйи тўғрисида»ги Низомни мазмун жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, етим болаларни оилавий муҳитга яқин шароитда тарбиялашга қаратилган ташкилий-педагогик фаолиятни янада такомиллаштириш керак. Худди шу мавзуни янада мукаммаллаштириш юзасидан 21, 30-меҳрибонлик уйларида республика амалий семинарининг ўтказилиши кенг аҳамият касб этади деб ўйлайман.

Болалар камоли учун қаратилган тадбирларни эса, санаб адо қилолмасам керак. Уларнинг алоҳида қобилиятларини аниқлашга қаратилган танлов, учрашув, мусобақалар, эҳ-ҳе, қанча-қанчаси ўтказилмоқда. Болаларни ҳимоя қилиш кунида барча истироҳат боғлари, майдонлар, хиёбонлар байрамона тус олишини тасаввур қилаверинг! Яқиндагина, аниқроғи, 25 май куни Навоий номидаги Академик катта опера ва балет театрида «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Булбулча» болалар хор жамоаси 500 дан ортиқроқ меҳрибонлик уйларининг ўқувчилари учун хайрия концертини уюштириб бердилар...

Савоб учун, болаларнинг бахту иқболи учун қаратилган ҳар қандай эзгу иш келажакда ўз мевасини беради. Бугун болалиги имкон қадар ардоқланаётган фарзандларимиз эртага, албатта, Ўзбекистон ва унинг тараққиёти учун қайғуражак. Зеро, ўз болалари билан юртимиз гўзалдир!

**Ҳ. ТЎЙМАНОВА**
**ёзиб олди**

## АТАЙЛАБ ЙИҚИТИШДИ

(Ҳажвия)

*Мана, мактабни ҳам битирдик. Сўнги қўнғироқ чалиб, у билан хайрлашдик. Битириш имтиҳонларидан қоқиниб-суриниб «йигит баҳоси» билан ўтдик. Хўш, энди нима қиламиз? Ўқишга борасиз, дейсизми? Яшанг, жуда тўғри топдингиз. Ўта оласизми, дейсизми? Шу ҳам гап бўлдию! Эътиборингиз учун менинг билимим «ғовлаб» кетган, адабиётни қалпоқ қилиб юбораман. Бу менга дадамдан юққан ва ўзгаришсиз қолган. Дадам адабиётга жуда ўч, ҳеч уйқуси келмаса китоб ўқийди. Қарабсизки, орадан беш минут ўтар-ўтмас... Тугатиб қўядими, дейсизми? Йўғ-е, худо сақласин, ухлаб қолади. Ажойиб-а? Шунинг учун дадамнинг адабиётга ихлоси жуда баланд. «Ўғлим, китоб бор жойда уйқу дорига ҳожат йўқ, уни қадрла», дейди дадам. Дадам жуда кўп шеърлар ўқиган, ҳатто биттасини ёд ҳам олган. Мана ўша шеър:*

***Бўталоғим яйрайди,***
***Янтоқ берсам чайнайди.***
***Ям-яшил ўтлоқларда,***
***Шаталоқ отиб ўйнайди.***

*Роман ҳам ўқиганми деяпсизми? Эҳ-ҳе, бир йўла иккита роман ўқиган! Биринчи романни 4 йилда ўқиган, иккинчи романни эса, тўрт йил ўқиб тажрибаси ошиб қолгани учун бор-йўғи икки йилда ўқиб чиққан. Қойилман дейсизми? Ҳа, албатта, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди! Кейинги вақтда ўқиган шеърлари ва романлари таъсирида дадамнинг ўзи ҳам шеър ёзиб қўяяпти. Шеърларида ғиж-ғиж маъно ётади. Келинг, ўзингиз бир ўқинг.*

***Ҳўкиз билан одам сузишса,***
***Кучуклар ҳам давлат тузишса,***
***Товуқлар ҳам биздек кулишса,***
***Юрак ёрилиб ўлишинг аниқ.***
***Ҳайвонлар ҳам бизга гапирса,***
***Туя эмас, товуқ тупурса,***
***Тошбақалар чопиб югурса,***
***Юрак ёрилиб ўлишинг аниқ.***

***Мен башорат қиламан халқим,***
***Ҳеч бундайин бўлмайди замон,***
***Шундай бўлса қачонки ҳамон,***
***Инфаркт бўласан, қолмайсан омон.***

*Бизнинг туямиз ҳам бор. Дадам бу шеърни менга туянинг олдида ўқиб берганди. Шеърнинг таъсиридами ё ундаги маъноданми, туямиз дадамга раҳмат айтаман деб тупуриб юборса бўладими. Қаранг, ҳатто бу шеър туяга ҳам ҳаяжон бера олдия.*

*Шеъри газетада чиққанми дейсизми? Йўқ, шеъриятдан бехабар нодонлар буни шеър эмас, аҳмоқона гаплар дейди. Лекин биз бунга парво қилмаймиз, барча буюк одамларни ўз замонасида қадрига етмайди. Тўғрими? Яшанг! Ҳуллас, адабиёт жиҳатидан ота томонидан етишган одаммиз. Сездим, дейсизми? Яшанг! Тарихдан қалайсиз дейсизми! Тарих мен учун «капейка». Тарих бўйича катта энамдан ўрнак олсангиз арзийди. Масалан, Эшмат неча йил бурун ўлди, Тошмат қачон уйланди, Ҳалимани кимнинг ити тишлаб олди. Ҳуллас, қишлоғимиз ғийбатини, йўғ-е, тарихини сув қилиб юборган! Лекин баъзи ҳасадчилар катта энамни кўриша олмайди, ғийбатчи дейишади. Энамнинг тарихчи эканлигидан бехабар-да. Мана қаранг, уруғимизда тарихчи ҳам бор экан. Бундан ўйланмасак ҳам бўлади. Темур ким дейсизми? У машҳур вазир бўлган. «Куч вазирликда» деган шиори ҳам бор. Тарихдан «жуда кучли» экансиз, дейсизми? Ҳа, энди баҳоли қудрат биламиз. Мен жуда зийрак боламан-да. Ҳозир чет тилидан қалайсиз, демоқчисиз?! Лағмон қилиб юбораман. Мана, масалан, сиз билан Европа тилидан бири билан саломлашаман. «Бунжу», топингчи, бу қайси тил саломи? Француз дейсизми, қойил! Демак, француз тилини ҳам билар эканман! Омад тилайман, дейсизми? Раҳмат-раҳмат, ўқишга ўтиб кетсам, битта «оқ шайтон» мендан. Бошни-бошга қўйиб бир ўтиришамиз. Хайр...*

*Ие, ассалому алайкум, эсон-омон юрибсизми? Бола-чақа чопиб юрибдими? Раҳмат, раҳмат, яхши-яхши. Ўтдингизми дейсизми? Йўқ, улар мени кўролмади, атайлаб йиқитишди. Фалокат босиб ўтиб кетсам, кўп домлалар «инфарк» бўлишини билди. Тест деган нарсани уйлаб топишибди. Қийин экан, тиш ўтмади. Билгандим, дейсизми? Авлиё экансиз. Энди нима бўлади? Қолганига худо пошшо энди, уйланаман. Бош омон бўлса, келаси йил...*

**Абдулҳамид МУХТОРОВ**

## САВОЛ ЗАМИРИДАГИ ҚИЗИҚИШ

(Боши 1-бетда)

таркиб топишига замин ҳозирлайди.

Болани ёшликдан китоб билан ошно қилиш, унда талқин этилган ғояларга онгли муносабатда бўлишни ўргатиш лозим. Ота-оналар, педагоглар, ёзувчилар томонидан тасвирлаб берилган шахсларни болалар мумкин қадар равшанроқ идроклаб оладиган бўлишларига аҳамият беришлари лозим. Муайян асардаги воқеалар таъсирида бола ҳаяжонланса, асар мазмунини ҳам қалб, ҳам ақл билан англаб қувонса, қайғурса уларда ҳиссиёт тарбияси юзага келади.

Бола қўпинча ривоятлардаги талқинларнинг сирини билишга интилади, илмий-фантастик адабиётларни ўқишга қизиқади. «Қизил қор», «Чалпак ёғди» каби ҳодисаларни эшитиб, саволлар ёғдиради. Шундай пайтда ҳеч иккиланмай, фан исботлаб берган манбаларга суяниб жавоб қилмоқ лозим. Бола учун бундай воқеалар жуда қизиқарли суҳбат мавзуи бўлиши табиийдир.

Туйғунинг уйғунлашуви, қизиқувчанликнинг кучлилиги бола фаолиятини оширади. Афсонавий тушунчаларни қуруқ панд-насиҳат билан эмас, амалий иш, синаш, кузатиш, таққослаш асосида олиб бориш, фан-техника ютуқлари ижодкорлари инсонлар эканлигини, инсон ақл-заковати мўъжизалар яратишга қодирлигини идрок этишга ўргатиш бола дунёқарашининг шаклланишига имкон яратади.

Мактаб ўқув қоидалари бола фаолиятини фаоллаштиришга мўлжалланган. Айниқса, муаммоли таълим бериш орқали болани ўйлашга, мушоҳада қилишга ундаш самара беради. Мактабда бошланган ишларни оилада давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, болага иқтисодий таълим бериш жараёнида муаммоли жумбоқларни топиш жуда қизиқарли машғулотдир. Бунинг учун тежамкорликка ўргатувчи саволлар бериш ва тезда унинг жавобини айтиш тавсия қилинади. «Қара, жўмракдан сув томчилаб турибди. Ҳисобла-чи, агар туни билан томчиласа, неча литр сув исроф бўлади?», «Уй бекаси гуручни тозалаётганда тўкиб юборди. У ҳаммасини териб олишга эринди. Туни билан чумолилар гуруч доналарини ташиб тугатишди. Айт-чи, тахминан қанча гуруч тўкилган бўлиши мумкин? 100 грамм гуручдан қандай таом тайёрлаш мумкин?» каби савол-жавоблар, болаларни оила иқтисодига ўргатади, тежамкор бўлишга ундайди, «увол», «исроф» каби сўзларнинг маъносини амалий ишлар жараёнида ўзлаштириб оладилар. Шу тарика болаларда ақл чархланади фикрлаш доираси кенгаяди.

**Қумри АБДУЛЛАЕВА,**
**педагогика фанлари доктори**

Oq yo'l!

## ФАРҒОНАЛИК ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

*Данғара туманидаги 4-болалар боғчасини Фарғона вилояти бўйича тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш борасида энг етакчи мактабгача тарбия муассасаларидан, деб бугун баралла айтиш мумкин. Боғчадаги одобнома, маърифат ва маънавият йўналишларига асосланган 4 та гуруҳ ўғил-қизларига 11 нафар тарбиячи сидқидилдан таълим-тарбия бераяпти. Бу ерда алоҳида «Маърифат ва маънавият» хонаси ташкил этилган. Деворлардаги безаклар, жажжи буюмлар, болалар руҳияти ва ёшига мосу хос ёзувлар уларни ўзбекона қадриятларимизга муҳаббат руҳида, билимли, замонавий маданиятли қилиб тарбиялайди.*

*Боғчада болаларнинг билими тест услубида, умумий фаолияти ва рейтинг тизимига асосан баҳоланяпти. Албатта, бундай янги ва мураккаб ҳисобланган баҳолаш услублари тарбиячилар томонидан тузилган бўлиб, боғча ёшидаги болаларга мослаштирилган.*

*— Миллий либосдаги қўғирчоқлар, турли хил ўйинчоқларни махсус андоза асосида ўзимиз ясаяпмиз, — дейди тарбиячи Шоҳидахон Акбарова. — Болаларимизнинг умумий фаолиятини чорак якунига кўра диагностик таҳлил этаяпмиз. Натижалар эса ёмон бўлмаяпти.*

*Дарвоқе, Шоҳидахон вилоятда ўтказилган «Йил тарбиячиси-98» кўрик-танловида яхши кўрсаткичларга эришиб, ғолибликни қўлга киритди. Юқоридаги каби юмушларнинг бажарилишида у кишининг хизматлари катта. Ғолибанинг республика кўрик-танловида ҳам юқори натижаларга эришишига данғараликлар умид билан қарашяпти.*

**Аваз ҲАЙДАРОВ**

***Суратда: Фарғона вилоятида ўтказилган «Йил тарбиячиси-98» кўрик-танловининг ғолибаси Шоҳидахон Акбарова.***

Maktabgacha tarbiya

## «БАХТИЁР»НИНГ БАХТИЁР БОЛАЛАРИ

Янгиариқ туманидаги 1-«Бахтиёр» болалар боғчаси 140 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда юздан ортиқ кичкинтой тарбияланаётир. Ёруғ ва кенг хоналардан иборат икки қаватли мазкур масканда дилбандларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Боғчада болаларни мактабга тайёрлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бир қанча услубий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Гуруҳларда кичкинтойларга иқтисодий тарбия бериш мақсадида дўкон, бозор бурчаклари ташкил этилган. Жажжилар бу ерда имкон қадар ҳисоб-китоб муомаласи маданиятини ўрганишмоқда. Икки йилдирки, тарбияланувчиларга инглиз тилидан сабоқ берилаётир. Боғчанинг тўққиз нафар тарбияланувчиси тумандаги жаҳон тиллари лицей-мактабига тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, лицей ўқувчиси бўлди.

Болаларда экология ва табиатга меҳр уйғотиш боғчада шакллана боради. Боғчанинг ҳар бир гуруҳида ўзига хос нафислик ва нафосат мавжуд. Катта-кичик тувакларда турфа гуллар очилган. Уларни жажжи болажонлар меҳр билан парвариш қилишаяпти.

— Тарбияланувчиларимиз «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақасида фаол қатнашиб, вилоятда 1-ўринни эгаллашди, — дейди олий тоифали мудира Дурдипошша Собирова. — Болажонлар жисмонан соғлом бўлишлари билан бирга уларнинг маънавий дунёси ҳам соғлом бўлиши керак. Маънавият ва маърифат ҳақидаги илк тушунчани ҳозирданоқ болалар онгига сингдирмоғимиз лозим. Шу боис гуруҳларда маънавият ва маърифат хонаси ҳамда бурчаклари ташкил этилган.

Боғчанинг Дармонжон Сотимова, Муяссар Абдуллаева, Муяссар Маҳмудова сингари жонкуяр мураббийлари гуруҳларда кундалик, ҳафталик, ойлик машғулотларни иш дастурлари асосида кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришаётир.

Дарҳақиат, «Бахтиёр»нинг бахтиёр тарбиланувчилари бепоён Ватанимизнинг шарафи, обрў ва ривожига муносиб ҳисса қўшадиган фарзандлар бўлиб вояга етадилар, деган умидимиз ҳақиқатга айланса ажаб эмас.

**Эргаш МАТКУРБОНОВ**

Sport maydonchasi

### ЁШ ШАХМАТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимиз ёш шахмат усталари Эронда ўспиринлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё биринчилиги баҳсларида муваффақиятли қатнашишди. Ҳамюртларимиздан 12 ёшли Антон Филиппов биринчи, 10 ёшли Жўрабек Ҳамроқулов иккинчи ва унинг акаси Иброҳим Ҳамроқулов 20 ёшгача бўлган баҳсларда иккинчи ўринларни эгаллаб, турнир совриндорлари бўлишди.

### ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Мамлакатимиз миллий чемпионатининг дастлабки давра ўйинлари якунига яна тўртта тур учрашувлари бор. Ҳозирча 11-тур ўйинларида дарвозаларга жами 28 та тўп киритилди. «Пахтакор»чилар «Сурхон»ни меҳмонда 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 26 очко билан ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар. «Сўғдиёна» — 24, «Навбаҳор» — 22, «Нефтчи» — 21 очко тўплади.

### ЖАЖЖИЛАР МУСОБАҚАСИ

Жиззахда мактабгача тарбия муассасалари ўртасида «Соғломжонполвонжон» мусобақаларининг вилоят босқичи ўтди. Унда Жиззах тумани «Дилноза» болалар боғчаси кичкинтойлари фахрли биринчи, Ғаллаорол тумани «Дўстлик» боғчаси тарбияланувчилари иккинчи, Дўстлик ва Бахмал туманларидан ташриф буюришган болажонлар эса учинчи ўринларга сазовор бўлдилар.

### ОЛИМПИЯ ҚИШЛОҒИ ТАЙЁР

Шу йил ёзда Москвада бўлиб ўтадиган Халқаро ўспиринлар ўйинлари учун махсус қурилган Олимпия қишлоғи шу ойнинг охирида муддатидан олдин фойдаланишга топширилади. Бу тўртта уй-жой корпуси, савдо ва тиббиёт марказлари, бассейн, кортлар, катта гараж ва 3 та кўли бор ажойиб манзарали боғдир( Ушбу ўйинлар ўтказилгандан сўнг бу ерга 635 та москвалик оилалар кўчиб келишади).

### ОСИЁДА ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИ

Яқинда Осиё футбол конфедерацияси 1997 йилнинг «Энг яхши ўйинчи»сини эълон қилди. «Белльмар Хирацука» ва Япония терма жамоаларининг ярим ҳимоячиси, 1977 йилда туғилган Хидетаси Наката ана шундай юксак номга сазовор бўлди.

## Xullas...

### ПРЕЗИДЕНТЛИККА ДАЪВОГАР... АЁЛ

Аёл давлат раҳбарларидан биз Маргарит Тэтчерни билар эдик. Тўғри, ҳукуматнинг бошқарув идораларида аёллар масъул лавозимларга қўйилган. Лекин аёл кишининг ҳукумат бошлиғи даражасига кўтарилиши унинг оилавий ҳаётига ҳам таъсир қилиши барчага аён.

Бошқирдистон тарихида илк маротаба аёл киши президентликка даъвогар бўлмоқда. Марказий Сайлов комиссиясига 1938 йилда туғилган нафақахўр Фарида Гариповадан шу ҳақда ариза тушган. У бу лавозимга даъвогарларнинг саккизинчисидир.

Ким билади дейсиз, бу аёлни президентликнинг қайси жиҳатлари қизиқтирар экан? Бунинг устига нафақада бўлса...

### ЧАҚАЛОҒИНИ «СОТМОҚЧИ» ЭДИ...

Бозор бозор-да, бу ерга ким нима олиб чиқиб сотмайди дейсиз?

Ростовдаги бозорлардан бирида эмизикли боласи билан бир аёл турарди. У эндигина икки ҳафталик бўлган чақалоғига харидор изларди. «Мол»нинг баҳоси 3500 доллар экан.

«Харидор» ҳам топила қолди, улар жиноят қидирув бўлимининг ходимлари эди.

Маълум бўлишича, фуқаро Александра П. ўзининг хуштори билан ўтган йилнинг охирида Украинадан бу ерга келган. Мақсад кўпроқ пул ишлаш бўлса-да, ишқий саргузаштларни ҳам бошдан кечиришган. Ҳомиладор бўлиб қолган қиз шаҳар туғуруқхонасида кўзи ёригач, боласини шу ерда қолдирмоқчи бўлди. Аммо шифокорлар буни рад этишди.

Қисқаси, бу хоним ўз «тирикчилиги»га тўғаноқ бўлаётган болани кимгадир сотиш ёки ҳадя қилиш илинжида эди. Афсуски...

«Чақалоқ савдоси» билан қўлга олинган фуқаро П.нинг ҳолига маймунлар йиғламоқда. У қилмишига яраша камида беш йил қамоқ жазосини ўташга маҳкумдир...

ana shunaqa gaplar

## Qardoshlarimiz ijodidan

# МАЪРИФАТГА ОШНО КЎНГИЛ

Биз, янглишмасам, Аҳмадбей билан илк марта 1995 йилнинг эрта куз кунларидан бирида Туркиянинг Тошкентдаги элчихонасида учрашдик. Анқарада туркий жумҳуриятлар учун эндигина ёзиб қайтганимиз «Турк дунёси адабиёти» юқори синф лицей ўқувчиларига мўлжалланган дарслик устида иш кетаётган пайт эди. Уйда, Буюк элчиликдан маориф мушовури сўраётганини айтишди. Бордим. Тик қомат, очиқ юз, сочларида қорасидан оқи кўп бўлишига қарамасдан серғайрат, боқишлари жиддий ва маъноли бир киши кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, Туркия, Тошкент таассуротлари ҳақида фикр алмашиб олингач, гап адабиётга кўчди. Мушовурнинг адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, хусусан, адабиётнинг миллат тарбиясидаги буюк роли ва ўрни масаласидаги қатъий қарашлари менга маъқул бўлди. Навоийдан сўзлашдик...

Сўнг кўп ўтмай, Тошкент шарқшунослик институтининг Навоийга бағишланган йиғилишларидан бирида учрашдик. Давра кенг. Ўзбекистоннинг Тошкентда истиқомат қилувчи деярли барча навоийшунос олимлари, чет эллик меҳмонлар тўпланган. Бир пиёла чой устида суҳбат кетяпти. Ҳар ким Навоий ҳақида, унинг турк маънавий оламидаги ўрни ҳақида сўз айтяпти. Навбат Аҳмадбейга келди. Аҳмадбей ён-атрофдагиларга бир қараб олди-да, тиниқ, оҳангдор овозда деди: «Навоий асарларида, шубҳасиз, туркий оламнинг бутун фасоҳати ва латофати фавқулодда бир жасорат ва шижоат билан намойиш этилган. Навоий мероси туркий нафосат ва заковатнинг мислсиз тимсолидир. Жўмардлик ва олижанобликнинг, ахлоқ ва фазилатнинг, бир сўз билан айтганда, комил инсон деб аталган муъжиз хилқатнинг тимсолидир. Навоий бошимиздаги тождир. Буларнинг ҳеч бирига шубҳа йўқ. Лекин қардошларим, шуни айтмоқни истайманки, у бугунги авлод қалбига кўчгандан кейингина реал кучга эга бўлади. Унга қадар эса, у бир ширин хаёл, оти бор, ўзини ҳеч ким кўрмаган меҳригиё бўлиб қолаверади. Бинобарин, мен бу буюк шоирни инсониятга инъом этган бир миллатнинг вакили бўлганлигимдан сиз билан бирга ғурур ва ифтихор тўйганим ҳолда уни ўзлаштирмоққа, чинакам ўзимизники қилмоққа, нотинч ва мураккаб замонамизга ҳамроҳу ҳамдаст қилмоққа чақираман. Бу борада ойдинларимизнинг, айниқса, маорифчиларимизнинг олдида буюк вазифалар турибди...»

Аҳмадбей билан сўнгроқ Туркияда Отатурк культур маркази томонидан нашрга тайёрланаётган 30 жилдлик «Турк дунёси адабиёти тарихи» нашри муносабати билан ҳам тез-тез учрашиб турдик. Адабиёт, санъат ҳақида томирларимизнинггина эмас, ахлоқ ва гўзаллик тушунчаларида ҳам, туйғуларида ҳам ҳар икки халқнинг муштарак жиҳатлари ҳақида узоқ суҳбатлар қурдик. Мен Аҳмадбейнинг Умар Сайфиддин, Рашот Нури Гунтекин ҳақидаги ҳаяжонли суҳбатларини тинглаб ҳузур ва маърифат олганман.

А. Севги 1946 йилда Кўнянда туғилди. Анқарада ўқиди. 1967 йилдан ўқитувчилик қилди. 1976 йилда таълим вазирлигига ишга олинди. Туркия миллий таълими масалалари билан яқиндан шуғулланди. Бир неча марта АҚШ, Япония, Англия, Франция, Германия каби мамлакатларда бўлиб, замонавий таълимнинг сир-синоати билан танишди. Мақолалар, билдиришлар ёзиб, касбдошларини ўқиш-ўқитишнинг жаҳондаги илғор усуллари билан таништириб борди. 1995 йилнинг июлидан буён Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида маориф бўйича маслаҳатчи (мушовур). Инглиз ва япон тилларини билади.

Аҳмад Севги яхши бир шоир ҳамдир. У Ўзбекистонга турк дунёсининг шунчаки бир парчаси эмас, ота юрт, Мағжон Жумабой айтмоқчи, «эр туркнинг бешиги» сифатида қарайди ва дил-дилдан севади. Бу севги унинг шеърларида ўзига ўхшаш вазмин, айни пайтда салобатли, лекин ғоят самимий сатрларда ўз ифодасини топади. Аҳмадбей туғилиб ўсган Кўня салжуқий султонларининг пойтахти, машҳур Жалолиддин Румийнинг ватанидир. Унинг кўнглидаги шеър завқи ва тарихга муҳаббат, эҳтимол, шундан бўлса.

Аҳмадбейнинг рафиқаси адабиёт ва санъат шайдоси Туркон хоним ўзбек ҳаётига, ўзбек одатларига тез киришиб кетди. Аслида бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Биз бир ота-онанинг, эр туркнинг авлодларимиз. «Биз —кетганларимиз. Сиз қолганларсиз. Биз Сизни кўргани, бағримизга босгани келдик», — деган эди марҳум Турғут Ўзол Ўзбекистонга йўл очган биринчи ва сўнгги сафарида. Ҳа, ўртада кечган сал кам минг йиллик замон ва макон айирмалари орамизга бир оз фарқликлар олиб кирди. Сирдарё бўйидан кўчиб, Онадўлида янги ватанлар бунёд этган ва туркнинг шаҳн-шавкатини дунёнинг янгидан-янги пучмоқларига олиб ўтган аждодларимизнинг бугунги авлодлари билан бундай фарқнинг бўлиши, эотан табиий ҳам. Лекин булар тез тикланади. Бугунги тобора кучайиб, мустаҳамланиб бораётган ва ҳар икки мамлакатнинг абадий дўстлиги ҳақидаги расмий шартнома билан мустаҳкамланган алоқаларимиз бунга далил.

Яқинда А. Севги юртимиз ва унинг одамлари ҳақидаги «Салом, Ўзбекистон!» китобини ёзиб тугатди. Китоб Туркияда нашрга тайёрланмоқда. Бу йил июлда эса унинг Ўзбекистондаги хизмат муддати тугайди.

Мен қадрдоним, қардошим, ажойиб инсон Аҳмад Севгига, муҳтарама Туркон хонимга бахт ва ижод ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Сиз, азиз ўқувчиларимизга А. Севги шеърларидан айрим намуналар ҳавола этмоқдамиз. Уларни ТошДУнинг 3-курс талабаси Муҳайё Йўлдошбекова ўзбекчалаштирган.

**Бегали ҚОСИМОВ,**
**профессор**

### НЕ БЎЛАР

Кузнинг бир совуқ куни, Тузлада
Шиғалаб, эзилиб ёғади ёмғир.
Титраган дудоқларим бир турку
Ва ёки адоқсиз ғам сўйлаётир.

Юрак пора-пора, бошимда савдо
Нолам тинглармисан ҳув узоқлардан.
Не бўлар, шамоллардан юборсанг салом
Йироқлардан, йироқлардан.

Ичимдадир ғамнинг қора булути,
Ташқарида совуқ, ёмғир, пўртана.
Менгачи ҳеч нарса кор қилмас тамом,
Бағрим, йироқлардан бир салом юбор.
Не бўлар, бир салом юборсанг менга.

### ЎЗБЕКИСТОНДА

Ассалом, қардошим,
Ассалом, гўзал Тошкент,
Келибоқ бу тупроқни дарҳол танидим,
Қўшни боққа кирган мисол роҳат-ла
Ўрта Осиё қирларига узандим.

Ассалом, яшиллик,
Ассалом, болалик йилларимнинг Кўняси.
Келибоқ бу кўк юзини дарҳол танидим.
Учиб ўтган турналарга сўйлайин,
Тошкент гўзаллигига имон келтирдим.

Ассалом, гўзал туркча,
Ассалом, азиз байроқ.
Мен бу ўзбекчани дарҳол танидим,
Шеърлари-ла ром этган Навоий бу кўнглим,
Неча йиллар унинг девони-ла яшадим-ёндим.

Ассалом, шан Ўзбекистон,
Ассалом, довруғи дунёни тутган зўр диёр.
Пахталик тўн кийганларни дарҳол танидим,
Ҳар бир ўзбек каломи бўлди бир дўст саломи,
Ҳазин куйли Анадўлимни ёдимга олдим.

Ассалом, сирли гўзаллик,
Ассалом, тилсим салтанат.
Бу меъморий обидаларни дарҳол танидим,
Самарқанду Бухоро, Хива шаҳрида
Салжуқий даври қўлкасини англадим-қондим.

Ассалом, Амир Темур,
Ассалом, эй музаффар жаҳонгир.
Ўлимни гўзаллаштирган турбатни дарҳол
танидим,
Юзларча йиллик уйқудан сўнгра
Ўзбекистон тупроғида уйғондим!

**Аҳмадбей СЕВГИ**

Йўл ҳаракати қоидаларини биламизми? Афсуски, биз катталар бу борада нўноқроқмиз. Кези келса, яшин тезлигида учаётган машинанинг олдини кесиб ўтишдан ҳам тоймаслигимиз мумкин. Ахир, буни йўл деб қўйибдилар. Фалокат бир лаҳза, ҳа, атиги бир лаҳза ичида содир бўлади...

Йўлда ҳушёр туришга мактаб ўқувчиларини тайёрлаш тегишли муассасаларнинг зиммасига юклатилган. Тошкент шаҳридаги бир қанча мактабларда «Яшил чироқ» гуруҳлари ташкил қилинган. Акмал Икромов туманидаги 106-ўрта мактабда «Яшил чироқ-98» танлови бўлиб ўтганида, 249-мактаб автоҳаваскорларининг билим даражаси юқори эканлиги ойдинлашди.

**Суратларда: 1. Собир Раҳимов тумани давлат автомобиль назорати ходими Зойир Сайдалиев ўз шогирдлари, яъни 249-мактаб ўқувчилари даврасида. 2. Сирғали туманидаги 237-мактаб ўқувчилари велосипедда. 3. 232-мактабнинг «Лочин» командаси танлов ҳайъат аъзоларининг саволларига жавоб қайтаришмоқда.**

**Р. АЛЬБЕКОВ суратлари**

### ЖАҲОН КЛАССИКАСИ ЎҚУВЧИЛАР ИЖРОСИДА

*Наманган санъат билим юрти республикамизда дамли чолғу ижрочилари тайёрлашда етакчи ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. Юртимизнинг таниқли дамли чолғу ижрочиларнинг кўпчилиги шу ўқув юртида таҳсил олган.*

*Яқинда Успенский номидаги махсус мусиқа мактабининг катта залида оркестр ижросида концерт берилди. Жаҳон классик композиторларининг асарлари, узбек композиторлари ижодидан ижро этилган намуналар таҳсинга сазовор бўлди.*

*Концертда республика Маданият ишлари вазирлиги фан ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Илҳомжон Деҳқонов иштирок этиб, тадбир ташкилотчилари бўлмиш Наманган вилоят ҳокимлигига, оркестр дирижёри В. Горностаевга ва билим юрти раҳбари Тожихон Юсуповаларга вазирлик номидан миннатдорчилик билдирди.*

**Мухтасар КАРИМОВА**

### ДОСТОНЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

*Халқ оғзаки ижоди дурдоналари миллий қадриятларимизни англаш, маънавиятимизни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Келаси йили минг йиллиги нишонланадиган «Алпомиш» достони ҳам ана шундай дурдоналар сирасига киради.*

*Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ходимлари бу борада бир қанча қизиқарли тадбирлар ишлаб чиқди. Республикада хизмат кўрсатган артист, достончи Омон Матёқубов ва «Дилхирож» фольклор-этнографик гуруҳи билан ташкил этилган учрашув шулар жумласидандир.*

*Барча вилоятларда ижодий сафарда бўлиб, халқ ўртасида унутилиб бораётган қаҳрамонлик эпосларини қайта жонлантириб, тарғиб қилиб келаётган хоразмлик бу саньаткорлар тумандаги 133, 243, 278, 298, 291-мактабларда меҳмон бўлди. Бу учрашувлар ўқувчи ёшларда халқ оғзаки ижодига катта қизиқиш уйғотмоқда.*

**Музайямхон ОДИЛОВА**


**Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Республика Рассомлик коллежи 1998-99 ўқув йили учун қуйидаги бўлимларга**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. Бадиий либос.
2. Лок миниатюра.
3. Таъмирлаш.
4. Бадиий кулол.
5. Грим.
6. Ранг тасвир.
7. Театр декорацияси.
8. Дизайн.
9. Ганч ўймакорлик.
10. Мусиқа асбобларини таъмирлаш.
11. Ёғоч ўймакор.
12. Бадиий нақш.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ 1998-99 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Лицей-интернатга республикамиздаги мактабларнинг 8-синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР МАВЖУД:
1. Математик-иқтисод, физика.
2. Кимё-биология.
3. Социал-гуманитар.

Социал-гуманитар ихтисослигининг 9-10-синфларига рус тилида ўқийдиган ўқувчилар қабул қилинади.

Лицейга қабул қилинганлар 4 маҳал бепул овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар. Бундан ташқари, лицейда замонавий синфхоналар ва компьютер хоналари, кутубхона ва ўқув заллари, спорт зали ва майдонлари, тиббиёт хоналари ва бошқа қулайликлар ўқувчиларга мунтазир.

Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва лицей-интернатнинг малакали ўқитувчилари олиб борадилар.

ЛИЦЕЙГА КИРИШ УЧУН ТОПШИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:
1. Директор номига ариза.
2. Туғилган ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси.
3. Тиббий маълумотнома (086), (эмлаш маълумотномаси билан).
4. 6-8-синфлар табеллари.
5. 6 дона 3х4 ўлчамли фотосурат.
6. Турар-жойидан маълумотнома.
7. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.

Ўқувчилардан ҳужжат қабул қилиш 1 июндан 30 июнгача давом этади.

ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ШАРТЛАРИ:

Танлов ўқувчининг ихтисослик фанларига қизиқиши ва билим савиясини аниқловчи тест-синовлари ва суҳбат асосида амалга оширилади. Тест-синовлари ва суҳбат 1 июлдан 10 июлгача махсус жадвал асосида ўтказилади.

Республика олимпиадаси ғолиблари лицейга имтиёзли қабул қилинадилар.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзе, 33-уй.

Телефон: 78-78-76.

2, 33, 77, 116-автобуслар, 4, 9-трамвайлар ва 8-троллейбуснинг «Чўпонота» бекати.


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси шу вазирлик масъул ходими Р. Н. Отабоевага онаси

Шаҳрибону ая

вафоти туфайли чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази раҳбарияти ҳамда жамоаси, Республика Таълим маркази «Ўқитувчилар билан ишлаш» бўлими бошлиғи Саидамин Рисқиевга онаси

Нурихон РИСҚИЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Гулхан» ва «Ғунча» журналлари жамоаси катта муҳаррир Васила Пўлатовага волидаи муҳтарамаси

НОДИРА ая

вафот муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Норали ОЧИЛОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.30. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6